Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 74 (21. 193) 1992 йил 14 апрель, сешанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ЎЗБЕКИСТОН—САУДИЯ АРАБИСТОНИ

АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистонида

● Расмий ташриф иккала мамлакат ўртасида муҳим алоқалар ўрнатишга кўмаклашади

● Ўзбекистон делегациясини Саудия подшоси қабул қилди

● Савдо-саноат намояндалари билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистонига расмий ташриф буюрди. Бу — Президентнинг шу йил февраль ойида Саудия Арабистони билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин бу мамлакатга биринчи ташрифидир. Яқинда Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал Файсал ал Сауд Ўзбекистонга келиб кетган эди.

Тайёрагоҳда Ислом Каримовни подшоҳ Фаҳд ибн Абдил Азиз ал Сауд кутиб олди.

* * *

Маккада чиқадиган «Ан—Надва» рўзномаси Ислом Каримовнинг Саудия Арабистонига ташрифини араб ва ислом мамлакатлари билан, Ўрта Осиё ва Кавказдаги собиқ шўро жумҳуриятлари ўртасидаги муносабатларни қайта қуриш жараёнидаги «табиий ва муваффақиятли «қадам» деб атади.

Республика Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Саудия Арабистонига ҳозирги расмий ташрифи иккала мамлакат расмий кишилари ўртасида муҳим алоқалар ўрнатишга кўмаклашди, деди мухбирларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов. Уч ҳафтадан сўнг Саудия Арабистони Тошкентда ўз элчихонасини очади, истиқболда эса Ўзбекистон ҳам бу мамлакатда ўз дипломатия ваколатхонасига эга бўлади, деб таъкидлади у.

Жиддада Ўзбекистон делегациясини Саудия подшоси Фаҳд қабул қилди. Президент Ислом Каримов билан подшоҳ Фаҳд бир-бирларини қизиқтирадиган масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Саудия Арабистони радиосининг хабарига қараганда бўлиб ўтган суҳбат чоғида, жумладан ҳозирги халқаро аҳвол муҳокама қилинган.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси Саудиянинг савдо-саноат доиралари намояндалари билан учрашди. Суҳбатлар чоғида иккала мамлакатнинг савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш ниятлари тўғрисида гап борди. Аниқ келишувлар масалалари икки томонлама муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш жараёнида белгилаб олинади ва ҳал этилади.

12 апрель куни кечқурун делегация Маккага учиб кетди.

Ташриф режасида исломнинг иккинчи муқаддас шаҳри Мадинага бориш назарда тутилган. Бу ерда ҳам саудиялик ишбилармонлар билан учрашувлар бўлади, ана шу учрашувлардан сўнг делегация Тошкентга жўнаб кетади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

* * *

АБУ-ДАБИ, 13 апрель. (РАТА —ТАСС мухбири Виктор Лебедев). Саудия Арабистони матбуоти президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг бу мамлакатга ташрифини кенг ёритмоқда.

«Подшоҳ Фаҳднинг азиз меҳмони» Ислом Каримовнинг Саудия Арабистонига ташрифи «Иккала ислом мамлакати ўртасида ҳамкорлик уруғини сочишга яхши имконият беради», деб ёзади «Ал Яум»рўзномаси. Газетанинг таъкидлашича, «Ислом Каримовнинг подшоликдаги биродарлари билан учрашуви» иккала мамлакат ўртасидаги «тарихий ислом алоқалари теранлигини тасдиқлайди». Ўзбекистон делегацияси Саудия Арабистонига расмий ташриф билан 11 апрель куни келган эди. Делегацияни подшоҳ Фаҳд қабул қилди, делегация мамлакатнинг савдо-саноат доиралари билан учрашди. Ҳозир Президент Ислом Каримов ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишилар Жидда шаҳридадир.

ДЎСТ МАМЛАКАТГА БИР НАЗАР

Саудия Арабистони подшолиги ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини тан олганини эълон қилди. Орадан бир ой ҳам ўтмаёқ подшолик ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал Файсал ал Сауднинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Саудия Арабистони ҳукумати Ташқи ишлар вазирлигининг МДҲ ўрта Осиё давлатларига ташриф якунларига оид ахбороти юзасидан қабул қилинган махсус қарорида «Турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни» мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланади.

Ҳозир икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ривожлана бошлади. Подшолик савдо-саноат доираларининг намояндалари, шу жумладан, Саудия Арабистонининг ўзбек миллатига мансуб фуқаролари ишбилармонларнинг Тошкент учрашувида қатнашдилар. Вазирлар Маҳкамасида, вазирликлар ва идораларда бўлиш чоғида ҳамкорлик қилишнинг эҳтимол тутилган айрим йўналишлари аниқланди. Телекоммуникация тармоқлари ва алоқа линиялари учун кабель ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, нефть ва газ қазиб олиш, электр энергетика иншоотларини қуриш, пўлат қувурлар ишлаб чиқариш ва шу кабилар ана шундай йўналишлардир. «Саудия Арабистони тараққиёт жамғармаси» вакиллари Ўзбекистон томони ижтимоий ривожланиш дастурини тақдим этгандан сўнг қурилаётган таълим ва соғлиқни сақлаш иншоотларини пул билан таъминлашга тайёр эканликларини билдирдилар. Ўндан ортиқ компаниялар ва фирмалар иқтисодиётнинг турли соҳаларида, тиббиётда ва бошқа соҳаларда Ўзбекистоннинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш юзасидан ўз хизматларини таклиф этишди.

Ҳозирги вақтда бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилмоқдаки, Саудия ишбилармонлари уларга сармоя ажратишдан манфаатдордирлар. Бевосита ҳаво алоқаси ўрнатиш имконияти ўрганилмоқда, таълим ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йили Ўзбекистондан 1200 нафардан ортиқ мусулмон Саудия Арабистонига бориб ҳаж қилиб қайтди.

Ҳозир бу мамлакат қиёфаси қандай?

Саудия Арабистони подшолиги Жануби-Ғарбий Осиёдаги араб давлати бўлиб, Арабистон яриморолининг 80 фоиздан кўпроғини эгаллаб туради.

Бу давлат аҳолиси деярли 14,8 миллион кишидан иборат (расмий маълумотлар эълон қилинмайди). Пойтахти Ар-Риёд сўнгги 15—20 йил ичида қурилган бўлиб, унда икки миллион киши яшайди. Жидда, Макка, Мадина, Аттоиф энг катта шаҳарлардир. Мамлакатда икки миллионга яқин муҳожирлар яшайди. Араб тили — давлат тили, лекин инглиз тили ҳам кенг тарқалган. Мусулмонлар суннийлар мазҳабида.

Ўрта асрларда Арабистон яриморолининг тарихи ислом динининг пайдо бўлиши билан боғланган. Бир вақтлар қудратли бўлган мамлакатни ўзаро кураш ва урушлар парчалаб ташлаган. XX асрнинг бошларида амир Абдулазиз Абдулраҳмон ибн Азиз ал Саудлар сулоласининг ҳокимияти остида ягона давлатни тиклаш учун кураш бошлади. 1927 йилнинг январида у Ҳижоз, Нежда ва қўшилган ҳудудлар амири деб эълон қилинди. Беш йилдан сўнг Абдулазиз «Араб подшолиги ҳудудларини бирлаштириш тўғрисида» Фармон чиқарди. Шу Фармонга биноан мамлакат Саудия Арабистони деб атала бошлади. Ҳозир давлатни амир Фаҳд ибн Абдулазиз ал Сауд бошқармоқда. Подшолик ҳукуматидаги барча асосий лавозимларни тахт вориси, амир оиласининг бошқа аъзолари эгаллаган.

Нефть — Саудия Арабистонининг асосий бойлиги. Давлат даромадларининг 90 фоизи нефтдан олинади. Газ эса аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган бойликдир. Нефть ва саноатнинг нефть билан боғлиқ тармоқларидан ташқари ҳозир кон-қазилма саноати, енгил саноатнинг айрим турлари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Бу соҳадаги иншоотларнинг асосий қисми аралаш сармояли корхоналар бўлиб, уларнинг 51 фоизи саудияликларга қарашли, қолгани эса чет элликларга қарашлидир. Подшоликда ҳаммаси бўлиб икки мингта саноат корхонаси ишлаб турибди, уларнинг кўпи энг замонавий Ғарб ускуналари билан жиҳозланган. Мамлакатни индустрлашда ҳукумат хусусий секторга алоҳида ўрин ажратмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги анча ривожланди ва ҳозир аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжининг 50 фоизини таъминламоқда. Буғдой, тухум, сут, сабзавот маҳсулотларига эҳтиёж мамлакатда етиштирилган маҳсулотлар билан тўла қондирилмоқда.

Саудия Арабистони ташқи сиёсатда барча муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш тарафдоридир. Подшолик Ғарб давлатлари ва, аввало, АҚШ билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришни ёқламоқда. Сўнгги йилларда МДҲдаги мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорликни ривожлантиришда янги имкониятлар пайдо бўлди. Сиёсатчилар бу ҳамкорликда Ўзбекистонга алоҳида ўрин ажратмоқдалар.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги маълумотлари асосида.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Республикамиз раҳбарияти не-не машаққатлар билан қўлга киритилган мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ортиқча қийинчиликларсиз ўтиб олиш учун катта ишлар қиляпти. Аҳолини ана шу ишлардан кенг воқиф этиш ва у билан маслаҳатлашишда матбуотнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Матбуот шўъбаси «Мулоқот» дастурини ишлаб чиқди. Шу дастурга мувофиқ Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳар ойда бир марта журналистлар билан учрашиб, қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб берадилар, долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлларини маслаҳатлашадилар, фикр алмашадилар.

Вазирлар Маҳкамасида 11 апрель куни биринчи шундай учрашув ўтказилди. Республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов журналистлар билан мулоқотда бўлиб, халқ кундалик турмушининг асоси — таъминотни йўлга қўйиш масалаларига эътиборни қаратди.

— Иттифоқ тарқалиб, унинг ўрнида мустақил республикалар вужудга келган, узоқ йиллар давомида таркиб топган иқтисодий алоқалар бузилган ҳозирги шароитда 21 миллионли аҳолини тўйдириш ва эгнини бут қилиш ҳазилакам иш эмас,— деди Бош вазир. — Зеро, бизда маҳсулотнинг 60 фоиздан кўпроғи четдан олинади. Уни келтириш ҳам осон бўлмай қолди, ҳозир ҳамма жойда маҳсулот эвазига маҳсулот беришни талаб қилишмоқда. Шунинг учун ўзимизда етиштирилаётган хом ашёни ўзимизда кўпроқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш, бунинг учун зарур технологияга эга бўлиш, кичик-кичик ишхоналар ва қўшма корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ҳам таъминотни яхшилашга хизмат қилади, — деди сўнгра Бош вазир. — Президентимизнинг Саудия Арабистонига сафари бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлади. Туркия, Хитой сингари мамлакатлар билан ҳозирдаёқ шундай алоқалар ривожлана бошлади. Улар ажратадиган кредит ёрдамида аҳволни анча ўнглаб оламиз деган умиддамиз. Бироқ ҳамма иш аввало жамиятда ҳамжиҳатликни таъминлашга боғлиқ. Бунда журналистлардан умидимиз катта. Улар қилинаётган ишлардан аҳолини тўғри хабардор этиб туришлари лозим. Такрор айтаманки, олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳаммамиз якдил ва аҳил бўлиб меҳнат қилишимиз зарур. Бусиз биронбир жиддий силжишга эришиш қийин.

Пировардида А. Муталов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 декабрда чиқарган «Ўзбекистон Республикасида фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида»ги Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги дастлабки беш биржани давлат рўйхатидан ўтказди. Адлия вазири М. Б. Маликов давлат рўйхатидан ўтган биржа раҳбарларини республикамиз иқтисодий ҳаётидаги ана шу муҳим кун билан табриклади ва уларга давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномаларни топширди.

Биржаларнинг Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши биржаларни тузиш ва уларнинг амалий фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси қонунларига қатъий риоя этилишини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1991 йилнинг 15 февралида республикада қабул қилинган жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонун ҳақиқий мустақилликка эришиш, республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш йўлида жамиятни жипслаштиришга умуман ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга кейинги пайтда айрим жамоат бирлашмаларини ана шу бирлашмаларнинг рўйхатдан ўтказилган уставларида кўзда тутилмаган маблағлар ҳисобидан қонунга хилоф равишда маблағ билан таъминлаш ҳоллари қайд этилмоқда.

Юқорида кўрсатилган қонунга амал қилган ҳолда ва унда кўзда тутилган қоидаларни сўзсиз бажариш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида кўзда тутилган жамоат бирлашмаларининг уставларини улар ўз фаолиятларини, шу жумладан, ноширлик фаолиятларини, матбаа нашрларинк маблағ билан таъминлаш манбалари хусусидаги далолатнома (декларация) тақдим этганларидан кейингина рўйхатдан ўтказсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Прокуратураси, Давлат солиқ Бош бошқармаси юқорида қайд этиб ўтилган Қонунга мувофиқ тарзда рўйхатдан ўтган жамоат бирлашмалари фаолияти маблағ билан таъминланишининг Қонунда кўзда тутилган тартиби ва манбалари тўғрисидаги қоидаларига қатъий риоя этсин.

Молия интизоми бузилганлиги ҳоллари аниқланса, уларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар, ҳатто материалларни суд идораларига ўтказиш чоралари қўлланилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар диний ташкилотлардан, шунингдек, хорижий давлатлар, ташкилотлар ва фуқаролардан тушаётган маблағлар ҳисобидан ноширлик фаолиятини амалга оширишга ҳамда матбаа нашрини пул билан таъминлашга ҳақли эмаслар.

4. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунга тегишли қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш хусусида таклифлар тайёрласин ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсининг ўринбосари

Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 апрель.

«Ўзбекистон овози» мухбирлар пости Мингбулоқдан хабар қилади

БАРЧА КУЧЛАР БИРЛАШАДИГАН ПАЙТ

Мингбулоқ нефть кони айни пайтда қаҳрамонлик, жасорат майдони бўлиб қолмай, балки барча сиёсий-ижтимоий кучлар бирлашадиган, яъни уларнинг ҳар бири учун жиддий синов майдони ҳамдир. Зеро, ҳеч қачон четдан кузатиб туриш, ваъзхонлик билан иш битмаган. Ҳозир ҳар бир кишидан умумхалқ манфаати йўлида жипслашиш, фидойилик кўрсатиш талаб этилади. Бу борада ХДП вилоят кенгаши қандай ишларни амалга оширмоқда? Биз нефть конини жиловлаш бўйича тузилган вилоят штаби аъзоси, ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби А. М. Фаёзов билан шулар ҳақида суҳбатлашдик.

— Азамат ака, штаб аъзолари неча кишидан иборат? Улар асосан кимлар?

— Аввало шуни айтиш керакки, Мингбулоқ нефть конида дастлабки кундан бошлаб республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққулов бошчилигида республика бош штаби ишлаб турибди. Унинг таркибига республикамиздаги барча вазирликлар, идора ва бошқармаларнинг раҳбарлари, бош мутахассислари кирган. Шунингдек, вилоятимизда ҳам вилоят ҳокими ўринбосари К. Т. Мақсудов бошчилигида штаб тузилган. Ўз навбатида бунга ҳам бевосита нефть фавворасини жиловлаш ва шунга боғлиқ ишларни бажариш билан машғул бўлган корхона-ташкилот раҳбарлари кирган. Хуллас, штаб аъзолари турли соҳа касб эгаларидир. Уларнинг сони 20 нафардан ортиқ. Бироқ ҳаммаси учун иш етарли, ҳатто ошиб-тошиб ётибди.

— Штаб аъзоси сифатида сизга қандай вазифа юклатилган?

— Дастлабки пайтда нефтни ташиш учун махсус жиҳозланган машиналар етишмай қолди. Нефтнинг отилиб чиқиши эса кўпайиб борарди. Шу пайтда кунига минглаб тонна отилиб чиқаётган нефтни қандай қилиб бўлмасин тезроқ ташиб олиш масаласи турарди. Штабнинг навбатдаги йиғилишида вилоятнинг барча ташкилот, корхона ва хўжаликларидан қимматбаҳо хом ашёни ташиш учун транспорт воситалари ташкил этишга қарор қилинди ва бу ишга мени мутасадди этиб биркитишди. Шундан сўнг, иш қизигандан қизиб кетди. Кечасию кундузи тиним билмай ишлашга тўғри келди. Негаки, нефть фавворасидан отилиб чиқаётган «қора олтин» ҳажми кундан-кунга ортиб борарди. Барча штаб аъзоларининг, бу ерда ишлаётган минглаб ишчиларнинг, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг жонбозлиги туфайли тўпланиб қолган нефтни ташиб кетиш кунига 10—11 тоннага етказилди. Бир-икки кун ичида нефтни ташиш учун 200 дан ортиқ қўшимча транспорт воситалари жалб қилинди.

— Ҳар кунги штаб мажлисида янги долзарб вазифалар муҳокама қилиниб, штаб аъзоларига ҳам қўшимча топшириқлар берилаётгандир?

— Албатта. Масалан, менга юқорида айтганимдан ташқари хорижий мамлакатлардан келган кишиларни кутиб олиш, кузатиш, бу ерда ташкил этилган матбуот марказига кўмаклашиш, мавжуд аҳвол ҳақида муфассал ахборот бериб туриш вазифаси юклатилди. Англия, Америкадан келган вакиллар билан бирга бўлиб, уларни кузатиб қўйдим. Нефть ёқилгандан кейин ишимиз янада кўпайди. Бутун диққат-эътиборни шу яқин атрофда яшаётган аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб боришга қаратдик. Айни чоғда нефтни ёқиб, сўнгра жиловлаш энг мақбул йўл экани, буни дунё миқёсидаги мутахассислар ҳам маъқуллагани, ҳозир нефть ёнгандан чиқаётган тутун ёнмаган ҳолдаги нефть зарраларига нисбатан инсон саломатлиги, экология учун анча хавфсиз эканлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз. Бу ишда бизга ХДП район кенгашлари, жойлардаги ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари яқиндан амалий ёрдам бермоқдалар. Вилоят радиоси орқали табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутасадди кишиларнинг чиқишларини ҳам ташкил қиляпмиз.

Умуман, қилинадиган ишлар кўлами жуда кенг. Мингбулоқ нефть конида умумхалқ манфаати йўлида хизмат қилишга бел боғлаган ҳар бир одам учун иш, албатта, топилади. Фақат четдан кузатувчи бўлиб турмасдан бевосита бу ишларда иштирок этиш, ўз оромидан кечиш, керак бўлса фидойилик кўрсатиш лозим. Бу ерда вилоят ҳокимлигидан тортиб, барча ташкилот-корхона вакилларигача, ҳаммасининг ўз ўрни бор, жумладан, бу ўринда ХДП вилоят, район кенгашлари ва улар фаолларининг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Суҳбатдошлар

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,

А. МАДАТОВ.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

МИНГБУЛОҚ МАҲСУЛОТИ— ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА

Анчадан буён хом ашё тақчиллиги туфайли узилишлар билан ишлаётган Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи шу кунларда жўшқин меҳнат қучоғида. Яқиндан бошлаб бу ерда мустақил Ўзбекистон «қора олтини» — Мингбулоқ нефтидан халқ хўжалиги учун ўта зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонага кунига 100—150 та автомашина минглаб тонна қимматбаҳо хом ашёни етказиб бермоқда. Ҳозиргача Олтиариқ заводига 60 минг тоннага яқин нефть ташиб келтирилди.

— Мингбулоқ нефти экологик жиҳатдан жуда тоза экан, — дейди завод директори Ш. Саидаҳмедов. — Ундан бензин, ҳар хил турдаги керосин, дизел ёнилғиси ва бошқа маҳсулотлар чиқаяпти. Ишчи ва мутахассисларимиз республика иқтисодиёти учун нефть маҳсулотларининг қай даражада муҳим эканлигини яхши тушунишади. Шу боис, янги кон хом ашёсини тезроқ қайта ишлаш йўлидаги ўз билим ва меҳнатларимизни аямаймиз.

— Ҳозир Мингбулоқ нефтидан бошқа минтақалардан олиб келинаётган нефть билан биргаликда Олтиариқ заводида турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилянти, — дейди Фарғона нефть маҳсулотлари ташиш корхонаси директори М. Жамолиддинов. — Бу хом ашёдан олинган дастлабки маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беришни бошладик. Мингбулоқ фавворасы отилиб турган кунлари эса корхонамиз 20 минг тоннадан зиёд нефтни мазут сифатида истеъмолчиларга жўнатди.

Дарҳақиқат, ўша кунлари фарғоналиклар вақтни ғанимат билиб, катта миқдордаги нефть хом ашёсини ташиб олдилар. Вилоят ҳокими Ғ. Фозилов Мингбулоқдан Фарғонага нефтни ташиб келтириш бўйича махсус фармойиш чиқарди. Мингбулоқда эса шу соҳада Фарғона вилояти штаби тузилди. Штаб вилоятга нефтни ташиб келтиришни ташкил этди.

Кунига Фарғонага 2,5—3 минг тонна қимматбаҳо хом ашё маҳсулотлари ташилди. Бу борада, айниқса, Марғилон шаҳри, Бешариқ, Олтиариқ, Қува ва Ёзёвон районлари раҳбарлари ишни яхши йўлга қўйдилар. Биргина вилоят йўллардан фойдаланиш бошқармаси 3 минг тоннадан ортиқ нефтни ғамлаб олди. Зеро, асфальт ётқизиш ишларида йўлсозларга бу заҳира жуда қўл келиши табиий. Хуллас, эндиликда Мингбулоқ нефти мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қила бошлади.

А. ИВОДИНОВ,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШОШИЛИНЧ ХАБАР

С—141 САМОЛЁТЛАРИ

● Американинг иккита қудратли С—141 самолёти Тошкентда қисқа вақт тўхтаганидан сўнг Наманганга учиб кетди. Бу самолётлар Мингбулоқ нефть кони учун мураккаб технология ускуналари—превенторлар олиб келди.

Илгари хабар қилинганидек, Наманган вилоятида нефть отилиб чиқиши оқибатларини тугатиш штабининг вакиллари Американинг «Стен корнелиус интерпрейтед» фирмасининг вакиллари билан маслаҳатлашганларидан кейин ёқиш усули билангина кучли фавворани жиловлаш мумкин, деган хулосага келдилар. Шундай қилинди ҳам. Аммо бу мураккаб технология операциясининг дастлабки босқичи эди, холос. Америка фирмалари вакилларининг фикрича, Ватанимизда ишлаб чиқарилган превенторлар кучли босимни самарали тўхтатиб туролмайди. Шу сабабли улар кон топилган жойга ўз ускуналарини олиб келишни таклиф қилдилар.

Хўш, превенторнинг ўзи нима? Бу қудуқ оғзини маҳкам қилиб ёпиш учун мўлжалланган бир неча тоннали ускунадир. Ифодали қилиб айтганда, превентор нефть фавворасининг қимматбаҳо ва экология жиҳатидан хавфсиз бўлмаган хом ашёни ер юзасига чиқариб ташлашига имкон бермайдиган ишончли сақлагичдир. Қолаверса, қудуққа яқин жойдан Сирдарё оқиб ўтади.

Ўзбекистон Миллий ахборот башқармасининг мухбирига мўътабар манбалардан маълум бўлишича, ускуна 18—20 апрелда монтаж қилина бошлайди. Бу вақтга қадар Наманганга яна бир нечта Америка транспорт самолётлари келади. Улар бу ерга қўшимча ускуна олиб келадилар. Уларни ўзбекистонлик мутахассислар билан «Стен корнелиус интерпрейтед» вакиллари биргаликда ўрнатадилар.

Анчагина ташвиш туғдирган Мингбулоқ конидаги қудратли нефть фавворасы май ойининг бошларига бориб жиловланади, дейиш учун ҳамма асослар мавжуд. (ЎзА мухбири).

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

● МУАЛЛИФНИ ТАНИШТИРАМИЗ: Атаулла Худойберганович Асанов, 1943 йилда туғилган. Қорақалпоқ. Маълумоти — олий. 1970 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳини, 1983 йилда Тошкент олий партия мактабини битирган. «Тахиатошгидроэнергострой» қурилиш бошқармасида қурилиш мастери, прораб, бош технолог бўлиб ишлаган. 1977 йилдан партиявий ишда: Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитасида бўлим мудири, сўнг Нукус шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган. Икки йил давомида Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари лавозимида меҳнат қилди. 1991 йил ноябридан буён Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгашининг биринчи котибидир.

ЎЗ ЙЎЛИМИЗНИ ТОПИБ ОЛДИК

ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партиясининг таркибий қисми бўлган Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти сафларида 25,5 мингга яқин партия аъзоси бор. Улар 824 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашган. Нукус шаҳар, 14 та район, 2 та ҳудудий партия кенгашлари улар фаолиятини мувофиқлаштириб боряпти.

Партиянинг ташкилий жиҳатдан қарор топиши даври ниҳоясига етмоқда. Барча тузилмаларда қизғин амалий иш бормоқда. Сиёсий ва парламент фаолиятининг шакллари ва усуллари қадамбақадам ўзлаштирилмоқда.

Маълумки, партиянинг қарор топиши мамлакатдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий танглик даври билан бир пайтга тўғри келди. Совет Иттифоқининг тугатилиши, собиқ республикалар негизида Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ташкил топиши, бозор муносабатларида амалга оширилаётган «қарахтлантирувчи муолажа» сиёсати, нархларнинг кескин кўтарилгани туғдирган оғирчиликлар — буларнинг ҳаммаси жамият ҳаётининг барча соҳаларида ғоят жиддий кескинликлар яратди.

Хўш бундай шароитларда ҳақиқий сиёсатни қандай олиб бориш мумкин? Одамлар бошига тушган қийинчиликларни қандай қилиб енгиллатиш, умумий ишончсизликни қай тарзда бартараф этиш мумкин? Бу саволлар ҳозир ҳаммани, шу жумладан бизни ҳам чуқур ўйлантираяпти. Зеро «ижтимоий адолатни, муносиб турмуш шароитларини таъминлаш», «меҳнат кишилари манфаатларини ҳимоя этиш» ва шу каби энг олижаноб ниятлар вазифалар партиянинг асосий мақсадлари деб эълон қилинган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган тўртинчи пленуми ана шу ҳаётий муҳим саволларга маълум даражада жавоб берди. Дарҳақиқат, партиянинг биринчи котиби М. М. Расулов маърузасида таъкидланганидек, барча партия ташкилотлари учун мос келувчи ягона тайёр жавоб йўқ. Буни тушунган Қорақалпоғистондаги барча ХДП ташкилотлари Ўзбекистон ХДП Дастури доирасида ўзгарган вазиятни ҳисобга олиб, республика партия ташкилотининг ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга киришди. Ушбу дастур сиёсий амалий фаолият учун йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирнинг ўзидаёқ бир қатор партия ташкилотлари юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмай, ўз имкониятлари ва обрў-эътиборларидан фойдаланиб аҳоли турли қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўрмоқдалар. Кам таъминланган оилаларни, фахрийлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга, уларнинг бундан ҳам қашшоқланишига йўл қўймаслиққа алоҳида эътиборни қаратмоқдалар.

Жорий йилнинг январида Бўзатов райони сув тошқинидан жабр кўрганида айнан партия ташкилотлари азият чекканларга ёрдам бериш учун маблағ тўплаш ташаббуси билан чиқдилар. Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар, Хўжайли, Чимбой район кенгашлари маҳаллий рўзнома орқали аҳолига, меҳнат жамоалари, партия аъзоларига мурожаат этиб, уларни табиий офатдан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишга чақирдилар. Тўпланган пул, кийим-кечак, пойабзал, рўзғор ашёлари совет ва партия органлари назоратида жабр кўрганларга етказиб берилди.

Амударё район партия ташкилотларида «Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифалари тўғрисида»ги масала бўйича йиғилишлар бўлиб ўтди. Сўнгра бу масалалар касаба уюшмалари қўмиталарига кўриб чиқиш учун топширилди. Улар билан ҳамкорликда тадбирлар амалга оширилди. Амударё район партия кенгаши «Меҳр-шафқат ва мурувват куни»ни ўтказди. Шу куни партия фахрийларига, кексалар, ногиронларга, кўп болали оилаларга уйларни таъмирлаш, ер участкаларини ишлаб бериш ва бошқа ишлар бўйича беминнат ёрдам кўрсатилди. Бу ишларга бошланғич партия ташкилотлари ходимлари бош-қош бўлдилар. Шуниси диққатга лойиқки, Меҳр-шафқат бир кундангина иборат бўлмай, шанба ва якшанба кунлари ҳам давом этяпти. ХДП Тўрткўл район кенгаши ҳам ёлғиз кексалар, ногиронлар, етимлар, кўп болали оилалар ва партия фахрийларига ёрдам кўрсатиш мунтазам давом этиши учун ҳаракат қилаяпти. Шу райондаги Навоий номли маҳалла ҳузурида партия ташкилоти фаоллари орасида тузилган гуруҳ маҳаллада яшаётганлар рўйхати бўйича норма асосида берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари тўғри тақсимланаётганлигини доимий назорат остига олди.

Партия сиёсатини амалга оширишдаги муҳим йўналишлардан бири — кенгашлар ноиблари орқали иш кўришдан иборатдир. Қорақалпоғистон республикасидан Ўзбекистон Республикаси халқ ноиблигига сайланган 28 кишидан 26 нафари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг 172 халқ ноибидан 122 нафари, шаҳар, район кенгашлари ноибларининг ярми ХДП аъзоларидир. Лекин халқ сайлаган вакилларнинг ҳаммаси ҳам сиёсий иш моҳиятини аниқ-равшан тасаввур этяпти, деб бўлмайди. Шунинг учун биз ишни ноибларнинг ўқувини ташкил этишдан бошладик. Ўқув эса тўрт минтақа бўйича ташкил этилди. Машғулотларга Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари халқ ноиблари, шаҳар ва район кенгашлари ноиблари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари таклиф этилдилар. Белгиланган дастурга кўра улар ҳузурида Қорақалпоғистон Республикапартия ташкилотининг раиси, республика Олий Кенгаши Раиси Д. Н. Шамшетов, Ўзбекистон ХДП Республика Кенгаши котиблари, Вазирлар Кенгашининг раҳбарлари, олимлар, ҳуқуқни ҳимоя этиш органлари ходимлари сўзга чиқдилар. Семинарларда эса республиканинг бир қатор вазирликлари ва идоралари раҳбарлари иштирок этдилар. Лекциялар билан бирга ўзаро тажриба ва фикр алмашувлар, саволларга жавоблар ҳам бўлди. Ноибларни айниқса бозор муносабатларига ўтиш муаммолари, озиқ-овқат, ун, қанд-шакар заҳиралари, ҳокимият ва бошқарув тарқиби муаммолари кўпроқ қизиқтирди.

Бундай учрашувлар ҳар бир шаҳар ва районда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ноиблар партия гуруҳлари раҳбарлари ва бошқа фаоллар билан ташкил этилди. Уларда республика кенгаши котиблари ва бўлим мудирлари қатнашдилар. Учрашувларнинг мулоқот шаклида ўтказилганлиги эса ҳар бир кишининг муҳокама этилган барча масалаларда фаол қатнашишига кўмаклашди.

Биз бундай учрашувларнинг жуда фойдали эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Чунки, биринчидан, улар республика Кенгаши раҳбариятига ўз фаолиятини таҳлил этишга, режалаштирилган тадбирлар, иш шакллари ва услубларига аниқлик киритиш имконини беради. Қолаверса, партия фаолларимиз, жамоатчилик, оддий кишилар ХДП республика Кенгашининг мақсадлари ва ниятларидан, унинг жамиятни жипслаштириш йўлидаги қадамларидан, партия ташкилотларининг жамият ижтимоий-сиёсий вазиятига самарали таъсир ўтказа олиш қобилиятларидан хабардор бўладилар.

Ҳозир ишлаб чиқариш жамоаларидаги партия ташкилотлари нарх-наво эркинлашуви ва иқтисодий алоқаларнинг узилганлиги, хом ашёнинг йўқлиги ва унинг ҳаддан зиёд қимматлашётганлиги, завод ва фабрикаларда иш ўринларининг кескин қисқараётганлиги туфайли оғир аҳволга тушиб қолишди. Одамлар ҳаёт кечириш воситаларидан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Шу боис ҳар бир учрашувда: ХДП қандай қилиб меҳнат кишиси ва ҳар бир оиланинг моддий, маънавий фаровонлиги тўғрисидаги дастурий мақсадларини амалга оширади?, деган савол тез-тез қўйилмоқда. Очиғи, бу саволга жавоб бериш қийин албатта, лекин қўл қовуштириб ҳам ўтириб бўлмайди.

Яқинда ХДП Нукус шаҳар кенгашида шаҳардаги 40 дан ортиқ корхона раҳбарлари ва партия ташкилотлари котиблари билан ишсизлик муаммолари ҳақида алоҳида суҳбатлар ўтказдик. Шуниси қувонарлики, кўпгина жамоалар мазкур муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ чоралар кўрмоқдалар. Мисол учун Каттағар темир-бетон буюмлари заводи маъмурияти ва бошланғич партия ташкилотининг ушбу масалани қандай ҳал этаётганлигини олайлик. У ерда ҳам ишлаб чиқаришни қисқартиришга мажбур бўлишмоқда. Лекин ишчилар бўшатилаётгани йўқ. Аксинча улардан бир қисмини қишлоқ хўжалигига ўтказиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда завод ер олди, унда ўз ишчилари учун уйлар, ўзига хос кичик давлат жамоа хўжалигини қурмоқда. Техника, ўғитлар билан ёрдам кўрсатмоқда. Ташкилотдаги хотин-қизларни иш билан банд этиш учун шаҳар саноат комбинати билан шартнома тузиб, кийим-кечак тикиш цехи очилди. Новвойлик цехини очиш тараддуди ҳам кўриляпти. Хусусий уйларни қуриш бўйича бригада ташкил этилди. Қисқаси бу ерда мавжуд вазият асосида иш кўрилмоқда. Одамлар тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиняпти. Шунга ўхшаш мисолларни 430-кўчма механизациялашган колонна, ремонт заводи ва бошқа бир қатор корхоналарда ҳам кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш жамоаларидаги аҳволни таҳлил этишни, партия аъзолари билан бамаслаҳат иш тутишни зарур деб ҳисоблайман. Куни кеча ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашига аҳолининг иш билан бандлиги, қўшимча иш ўринларини яратиш, кўланка солаётган ишсизлик муаммолари бўйича фикр алмашиш учун партия аъзолари бўлган олимлар, иқтисодчилар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларини таклиф этдик. Учрашув якунлари бўйича биргаликда ишлаб чиқилган тадбирларни республика Вазирлар Кенгашига кўриб чиқиш учун киритдик. Уни Олий Кенгаш сессиясига ҳам олиб чиқишни режалаштирдик.

Қорақалпоғистон партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленумидаги маърузада билдирилган партиянинг таъсир кўрсатиш соҳаси парламент фаолияти доираси билан чекланиб қолмаслиги керак, деган фикрни тўла қўллаб-қувватламоқдалар. Бизнинг партиямиз ҳукмрон партия бўлиб, номзодимиз ўртоқ И. А. Каримов сайловларда ғолиб чиқди. Унинг сайловолди платформаси халқимиз қўллаб-қувватлаган партиямизнинг Дастурига мосдир. Шундай экан биз барча куч-ғайратларимизни Президентнинг сайлов олдида зиммага олган мажбуриятларининг ҳамма жойда бажарилишига қаратишимиз, ишлар аҳволи учун раҳбарларга нисбатан талабчанликни оширишимиз лозим. Бу соҳадаги ортиқча камтарлик ишга, партия обрў-эътиборига зиён етказади, холос. Мен бунда илгари бўлганидек, хўжалик ишларига тўғридан-тўғри аралашиш зарур, шу тариқа ўзига сохта обрў-эътибор яратиш керак, деган фикрдан йироқдаман. Партия раҳбарларининг шахсий фазилатларига қараб бизни ҳурмат қилишларини ҳам истамайман. Партия обрў-эътиборни халқ учун чинакам ишлари, ўз кадрлари ва фаоллари фаолияти билан қўлга киритиши керак.

Шундай қилишимиз лозимки, партия ўз кадрларининг турли раҳбарлик лавозимларини эгаллаши йўлидан борсин. ва улар иш натижалари учун жавобгар бўлсинлар. Содда бўлиш ҳам ярамайди. СССРнинг собиқ иттифоқдош республикаларида ҳокимиятга оппозициончи партиялар келганида ва уларнинг вакиллари парламентда кўпчиликни ташкил этганида, улар ҳеч кимдан сўрамай, ўз кадрларини энг муҳим лавозимларга қўйдилар. Зеро, бу ҳукмрон партияга хос бўлган табиий ҳолдир. Биз буни доимо ёдда тутишимиз ва ўз имкониятларимизни бой бермаслигимиз керак.

ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расуловнинг маърузасида айтилганидек, кадрлар сиёсатига таъсир кўрсатолмаган ҳар қандай партия муноза ра клубига айланиб қолади. Шу боис биз бир қатор район партия кенгашларининг бюро мажлисларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида ХДП аъзоси бўлган раҳбарларнинг ҳисоботларини тинглаб бориш услубини тиклаш ниятидамиз. Ҳозир Эллиққалъа, Тахтакўпир, Чимбой ва Қораўзак район партия кенгашларида бунга амал қилинмоқда.

Партиянинг дастурий мақсадлари оммани эгаллаши, ишлаб чиқариш кучига айланиши учун ҳар томонлама чуқур ва тезкор мафкуравий ишлар олиб бориш зарур. Ҳозир эса партиянинг кўпгина аввалги принциплари, нормалари ва уларнинг тор синфий иродаси ишламай қолди, янгилари эса ҳали шаклланмади. Уларни қарор топтириш жараёнини сунъий тарзда тезлаштиришнинг имкони ҳам йўқ. Лекин ижобий ва бирлаштирувчи хусусиятларни қидириб топиш, бу айниқса ҳозир ижтимоий онг ривожланиб бораётган, қадриятлар тикланаётган пайтда жуда ҳам зарур.

Ватан туйғусини шакллантириш мафкуравий қадриятларимиз асосини ташкил этади. Бу ХДП Дастури ва Низомида аниқ-равшан очиб берилган. Лекин ижтимоий онгни ким шакллантиради, деган савол туғилиши ҳам мумкин. Албатта уни оммавий ахборот воситалари шакллантиради. Лекин кўпгина рўзнома ва ойномаларда партия муассислик мақомини йўқотди. Дастурий мақсадлари чуқурроқ фикрлаш учун республика кенгаши партия ўқуви тизимини яратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бошланғич партия ташкилотларида 800 дан ортиқ тарғиботчи ва уларнинг ўринбосарлари сайланди. Аҳоли истиқомат жойларида ва корхоналарда ноиблар гуруҳлари сиёсий мунозара клублари, сайланган партия фаоллари клублари тузилди. Табиийки, уларнинг ҳар бири учун ижтимоий-сиёсий марказ томонидан ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. ХДП аъзоларининг асосий кўпчилиги (улар 20 минг кишидан ортади) «Ҳозирги дунёдаги сиёсий партиялар», «ХДП дастури — демократик ислоҳотлар дастури» ва «ХДП Низоми — фуқаролар жамиятидаги партия турмуши нормалари», «Иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик шароитларида партиявий иш шакллари ва усуллари» муаммоларини ўрганиши мўлжалланган.

Биз айни пайтда ана шу дастлабки ва кечиктириб бўлмайдиган қадамларни қўйганимизни, асосан ташкилий чоралар кўрилганлигини яхши биламиз. Ҳали фойдаланилмаган резервлар, хато ва камчиликларимиз ҳам кўп. Сиёсий ишларда сайланган фаоллардан ХДП аъзоси бўлган ноиблардан ҳозирча суст фойдаланилмоқда. Партия аппаратига билимдон, ишчан, ташаббускор ходимлар етишмаяпти. Касаба уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда ҳаракатлар билан алоқа етарли эмас, молиявий масала ҳам кескинлигича қолмоқда. Бу ва бошқа муаммолар ХДП республика кенгашининг навбатдаги пленумида муҳокама мавзуси бўлади. Ўйлаймизки пленумда ишлаб чиқилган қарорлар, йўл-йўриқлар партиявий-сиёсий ишга ижобий таъсир кўрсатади.

А. АСАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси, ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

САВОБЛИ ИШДАН ЧЕТДА ҚОЛИШМАДИ

Ўзбекистон ХДП Амударё район кенгашида бошланғич партия ташкилотлари ташаббуси билан ҳайрия куни ўтказилди. Партия кенгаши «Амударё ҳақиқати» газетаси саҳифаларида район меҳнаткашларига мурожаат билан чиқди. Бу хайрли ташаббусни районнинг барча меҳнаткашлари қўллаб-қувватладилар ва унда фаол иштирок этдилар.

Шу куни ХДП район кенгашининг ходимлари, партия аъзоси бўлган халқ ноиблари, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбарлари, жамоатчи фаоллар, касаба уюшмалари ходимлари, мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари жойларда бўлиб, кўп болалик оилалар, меҳнат фахрийлари, етимлар, ногиронлар ҳолидан хабар олдилар.

Район бўйича ҳайрия кунида ёрдамга муҳтож 246 кишига моддий ёрдам кўрсатилди. Ленин номли, «Оқ олтин», «Ленинизм» жамоа хўжаликлари, «Қипчоқ», «Пахтакор», «Комсомол», М. Горький номли давлат хўжаликлари, район сув хўжалиги корхонаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар бу савобли ишда айниқса фаол қатнашдилар. Бундай тадбирларнинг фақат Наврўз ёки ийд — рамазон кунларидагина эмас, йилнинг бошқа кунларида ҳам ўтказиб туришга келишиб олинди.

Н. ЙЎЛДОШЕВА,
ХДП Амударё район кенгаши ходими.

• Мунозара учун мавзу

ТЎРАЧИЛИК БАРҲАМ ТОПСА...

Кейинги пайтда барча Ҳамдўстлик мамлакатларида, хусусан, жумҳуриятимизда ҳам кўплаб молларнинг нархи кўтарилди. Айрим молларнинг нархи эса маъмурий тарзда паст баҳода ушлаб турилибди. Агар ҳамма нарсага эркин нархлар белгиланса, одамлар жуда ночор аҳволга тушиб қолади.

Бу фикрлар бир қарагандa тўғридек. Аммо масалага чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, мутлақо бошқа манзара намоён бўлади. Аслида нарх-навони паст даражада ушлаб туриш кўпроқ истеъмол молларини тақсимлаш каби муҳим соҳани ўз қўлларида ушлаб турган тўраларга керакдек туюлади. Фикримни очиқроқ баён этишга ҳаракат қиламан.

Кўплаб кишиларни чақириб, тўй, аза каби маросимлар ўтказиш одат тусига кирган. Уларга ижроқўмлар қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари ажратишади. Аммо урвоқ ҳам бўлмайди.

Шунинг учун одамлар «йўли»ни қидиришяпти. Улар ҳар бир нарса талон билан тақсимланаётган бир пайтда керакли нарсаларни қийинчилик билан бўлсада топишади. Кўплаб ҳажмдаги моллар қаердан олиняпти, деган савол туғилиши табиий. Бунга танқис молни истаганча чайқовчидан ёки магазинчидан олинади-да, деб жавоб бериш мумкин.

Магазинчи қаердан олянти? Ахир ҳамма нарса талон билан сотилаётган, уларнинг тақсимланиши назорат қилинган бўлса. Аслида магазинчи одамларга берилиши керак бўлган молларни яшириб қолаётгани йўқ-ку! Тегишлисини олиб келиб берянти-ку! Бу масаланинг бизга кўринадиган томони. Унинг кўринмайдиган томони ҳам бор, бу ҳақда алоҳида тўхталишга тўғри келади.

Баъзи магазин мудирлари чайқовчига сотиладиган молларни омборлардан алоҳида олиб келадилар.Бу ерда ортиқча мол базада қандай пайдо бўлган, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Молбазага икки йўл билан келади. Биринчи йўл — фондларни ёки давлат буюртмаларини қайта тақсимлашни ўз қўлларига олган тўраларнинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли юз бераётир. Масалан, улар Андижон вилоятига тегишли бўлган фонднинг бир қисмини Сирдарё вилоятига берадилар. Андижонликлар қўшимча фонд сўраганларида фарғоналиклар фондидан олиб берадилар. Бу ҳол шу тарзда давом этаверади.

Иккинчи йўл — айрим омбор ходимлари ўзлари бориб маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан шартнома тузадилар. ва керакли нарсаларни фонддан ташқари олиб келадилар.

Энди масаланинг моҳиятига ўтайлик. Масалан, бир қоп ун, 140 сўм. Зарур бўлгач уни 350—400 сўмга ҳам олишади. Ортиқча тўланган пулнинг 20—25 сўми чайқовчининг «хизмати»га қолади. Магазинчи ҳам деярли шунча пулга эга бўлади. Қолгани эса омборга келиб тушади. Омбор ходимлари фойданинг бир қисмини фондларни тақсимлашдек муҳим соҳани бошқариб турган тўраларга, бир қисмини эса ишлаб чиқариш корхоналарига узатадилар. Корхонадагилар ушбу пулнинг бир қисмини ўзлари олиб қоладилар ва халқа узилиб қолмаслиги учун қолганини кейинги бўғинларга берадилар.

Агар савдо ходими ўз магазинига эга бўлса, унга биров юқоридан нарх қўйиб бермайди. Молини ўзи нарх қўйиб сотади. Ўшанда унга қоладиган 20—25 сўм пул барибир бўлади. Ҳатто бу сафар магазинчи 10—15 сўмга ҳам рози бўлади.

Қонуний даромад йўли топилгач, давлатга тегишли қисмини солиқ сифатида тўлайди. Энди у мустақил инсон. Демак, у сиз билан бизга хизмат қилади. Бу нарсани бозорда молини сотиб ўтирган деҳқон тимсолида кўриш мумкин. Ўйлаб кўринг, деҳқон ўз молини бекитиб қўйиши мумкинми? Албатта, йўқ! Энг яхшисини олдингизга қўяди. Бироз савдолашсангиз нархини пасайтиради ҳам.

Бизнингча, одамларнинг топган мол-дунёсининг очиқ сармоя ҳисобида майдонга чиқишига имкон берилса. Бунинг учун магазинлар, бозорларни хусусийлаштириш масаласи устида ўйлаб кўрилса. Ундан тушган пуллар биринчи галда меҳнат қилишга ярамайдиганлар (нафақахўрлар, ногиронлар ва бошқалар)нинг турмуш даражасини яхшилашга сарфланса.

Афсуски, савдо тармоқларини хусусийлаштириш ҳақида икки йилдан буён гап бўляпти-ю лекин ҳалигача бирон тўхтамга келингани йўқ. Масалан, мен кооператив жамоа раисиман. Магазин сотиб олишга қурбим етади. Биринчи бўлиб шу ишни бошлаб берай, дедим. Лекин ниятимни амалга ошира олмаяпман. Турли тўсиқлар учраяпти. Мулоҳаза, таклифларим баъзиларга эриш туюлиши мумкин, лекин ҳозирги бозор иқтисодиёти талаблари кишини шундай ўйлашга мажбур этиши, шубҳасиз.

Рустамжон УСМОНОВ,
Қўрғонтепа районидаги «Дўстлик» асаларичилик жамоа хўжалиги раиси, иқтисодчи.

Наманган «Электротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат фахрийларини тантанали кузатиш маросими бўлди. Халол меҳнат қилиб, пенсия ёшига етган онахон ва отахонларга қимматбаҳо совғалар ва моддий ёрдам уюштирилди. Уларни меҳмон қилиш учун тўкин дастурхон ёзилиб, хонанда ва созандалар таклиф этилди. Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларидан иборат кўргазма уюштирилди.

СУРАТДА: меҳнат фахрийлари кўргазмани томоша қилишмоқда.

Суратқаш: А. КОВТУН (ЎзА).

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

АҚШГА ТАШРИФ

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Америка Қўшма Штатлари Президенти Ж. Бушнинг таклифига биноан АҚШга расмий ташриф билан боради.

Шу хусусда аҳдлашувга эришилди. Ташриф май ойининг иккинчи ярмига мўлжалланмоқда.

ГЕНШЕР ТБИЛИСИДА

● Германия Федератив Республикаси федерал-канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Ганс-Дитрих Геншер Тбилисига келди.

Тбилиси тайёрагоҳида ГФР ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғини Грузия Давлат Кенгашининг Раиси Эдуард Шеварнадзе кутиб олди.

Ташрифдан кузатилган мақсад иккала мамлакат ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатишдан иборат. Меҳмон ташриф давомида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини ҳам муҳокама этади.

ҲУКУМАТ ТУЗИЛДИ

● Буюк Британияда Бош вазир Жон Мейжор етакчилигидаги партия сайловларда яна ғолиб чиқди.

Ғолиб партия 651 мандатдан 321 тасини қўлга киритди. Шундай қилиб, мамлакат Бош вазири яна беш йил мобайнида ўз фаолиятини давом эттиради.

Бош вазир ўз ҳукумати вазирларини эълон қилди. Илгаригидек молия вазири портфелини Норман Лэмонт ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғи портфелини Дуглас Хэрд олишди.

ПРЕЗИДЕНТ 47 ЕШДА

● Албания Демократик партиясининг раҳбари Сали Бериша сайловларда ғолиб чиқиб, мамлакатнинг янги Президенти қилиб сайланди.

Албания Президенти 47 ёшда, олий маълумотли, профессор-кардиолог.

ГЕНЕРАЛИССИМУС УНВОНИ БЕРИЛДИ

● Пхеньян радиоси Корея Халқ Демократик Республикаси президенти Ким Ир Сенга генералиссимус унвони берилганлигини эълон қилди.

Ким Ир Сен шу пайтгача Корея Халқ Армиясининг маршали эди. Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети, партия Марказий Комитетининг Ҳарбий Комитети ва КХДР Мудофаа комитети махсус қарор қабул қилди. КХДР олий ҳарбий идораларининг қарори 15 апрель арафасида қабул қилинди. Бутун мамлакат Ким Ир Сен туғилган куннинг 80 йиллигини нишонлаш арафасида турибди.

ЭЗГУ НИЯТ

●ЭФЭ ахборот бошқармасининг хабарига кўра Пеле 1994 йилда бўладиган ялпи сайловда ўз номзодини Бразилия Президенти лавозимига қўйишни ният қилган.

Бразилияда чиқадиган «Фолья ди Сан—Паулу» рўзномаси мухбири билан суҳбатда Пеле мамлакатдаги ҳозирги вазият шундай ният қилишга уни мажбур этаётганини билдирди.

КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР РЕЖАСИ

● «Стратегик мудофаа ташаббуси»ни амалга ошириш ташкилоти директори Генрих Купер қуйидагиларни хабар қилди:

Қўшма Штатларда «Стратегик мудофаа ташаббуси» дастурига қиладиган ҳаражати келаси беш йилда 35 миллиард долларни ташкил этади. Бу Пентагон олдин хабар қилган миқдордан 10 миллиард доллар кўпдир.

(Жаҳон агентликлари ва рўзномалари хабарлари асосида тайёрланди).



● Когонми ёки Кокан?

● Қум остида қолган карвон йўллари

● Депонинг қишлоқлик бошлиғи

● Инқироздан чиқиш

● Ҳамдўстликдаги давлатлар вакиллари тажриба ўрганишмоқда

• БУХОРО ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

АСРГА ТЕНГ САФАР

АЕЗЛИ ҲУТ кунларининг бирида Бухоро Аркининг улкан дарвозаси кенг очилиб, амир Абдулаҳадхон жаноби олийлари, унга ҳамроҳлик қилаётган казо-казолар минган фойтунлар Кокан қишлоғи сари елиб кетди. Ҳали бир ҳафта бурунроқ шаҳар бўйлаб изғиб қолган жарчилар шу куни Кокан қишлоғига русларнинг «шайтон арава»си келишини маълум қилиб, ҳаммани катто томошага таклиф этишди. Энди бўлса кимдир отига, кимдир эшагига миниб жаноби олийларининг изидан шу қишлоқ сари ошиқишмоқда эди.

Каспий орти темир йўли қурилиши Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан иқтисодий қарам этилиши йўлида қўйилган дастлабки қадам бўлди. Амир Абдулаҳадхоннинг падари бузруквори Музаффархон давридаёқ рус армиясининг генерали Черняев бошчилигидаги қўшинлар амирлик ҳудудига тажовуз қилиб, 1865 йилда Жиззах ёнидаги жангда муваффақиятсизликка учрагач, чекинишга мажбур бўлди. Бироқ бу вақтинчалик чекиниш эди.

Чоризм ҳукумати ўзининг мустамлакачилик мақсадларидан воз кечиш ниятида эмасди. Ҳали ўшандаёқ чор Россияси молия вазири Вишнегородский Бухоро амирлигини «рус подшоси тожида энг қимматбаҳо дур» деб баҳолаган эди. Бу дурни тезроқ қўлга киритмоқ лозим, деб ҳисобларди.

Орадан кўп ўтмай Туркистон генерал-губернатори Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари яна амирлик ҳудудига ҳужум қилиб, ғолибликка эришдилар. 1868 йил 23 июнь шартномасига биноан, амир Музаффархон Россия императорига қарамлигини тан олишга мажбур бўлди. Ўзаро савдо-саноат алоқалари жадал ривожлана бошлади.

Буюк ипак йўлининг чорраҳаларидан бири бўлган Бухоро орқали Россияга, Хитой, Эрон, Ҳинд, Покистон, Афғон моллари оқиб кела бошлади. Амирликнинг ўзи Россия бозорига пахта, калава ип, қоракўл тери, гилам, жун, кўн, турли-туман қуруқ мевалар, дуру жавоҳирлар, миллий ҳунармандчилик буюмлари чиқармоқда эди. Қадимий карвон йўллари орқали бундай катта ҳажмдаги савдо-сотиқни амалга ошириш амри маҳол. Замонавий транспорт воситалари керак эди.

Шунинг учун ҳам Каспий орти темир йўл тармоғини қуриш режаси аста-секин пиша бошлади. Абдулаҳадхон бу режани жон-дили билан қувватлади. Зероки, бу йўл — нафақат Россия, балки амирлик учун ҳам даромад манбаи. Россия ҳукумати билан Бухоро амирлиги ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, бўлажак янги темир йўл тармоғи ўтадиган майдонлар ҳар саржинига уч тангадан тилла пул эвазига сотиб олинди ва Россия ҳудудига айланди.

Ўн тўққизинчи асрнинг саксонинчи йилларида темир йўл қурилиши жадал давом этди. Қурилишда турли йилларда жами 20 минг киши қатнашди. Булар асосан амирлик ҳудудида истиқомат қилувчи ўзбеклар, туркманлар, тожиклар эди. 1888 йилнинг охирида темир йўл Каспий денгизи бўйидан Қизилравот, Жебель, Марв, Чоржўй орқали Бухоро яқинидаги Кокан қишлоғига етиб келди.

Қурилиш бошлиғи генерал Анненков амир жаноби олийларини қишлоққа келаётган биринчи поездни кутиб олиш тантаналарига таклиф қилмоқда эди. Генерал рус ваколатхонасининг раҳбарлари ҳамроҳлигида азиз меҳмонларни нон-туз билан кутиб олди.

Кўп ўтмай уфқ чизиғида пайдо бўлган номаълум мавжудот Аловиддин сирли хумчасидан ўрлаётган дев сингари бурқситиб қора тутун чиқарганича ваҳимали ҳуштак чалиб улар томонга бостириб кела бошлади. Сарой амалдорлари бир неча марта Санкт Петербургга сафар қилган амир ҳазратларидан «шайтоннинг араваси» тўғрисида эшитган бўлсалар ҳам беихтиёр орқага тисарилдилар.

— Ҳавотир олманг, қози калон жаноблари, — деди кулимсираб генерал Анненков қўрқувдан ранги оқарган Бадриддин бинни Садриддин Кўлобийнинг тирсагидан тутиб. — Бу жин ё ажина эмас, оддий темир арава...

Ҳижолатга тушган қозикалон ўзини тетик тутишга уринди.

«Шайтоннинг араваси» эса қаттиқ пишқирганича амалдорлар гуруҳи олдига келиб тўхтади. Унга тиркалган бир неча вагондан тушган рус муҳандислари, лойиҳаловчилар, меъморлар амир ҳазратлари ва сарой аёнлари билан кўришдилар. Генерал Анненков темир йўл ёқасида қурилган бир неча чодирда амир ҳазратлари шарафига зиёфат берди. Тантана бўлажак темир йўл станцияси ва паровоз депоси бинолари пойдеворига ғишт қўйиш билан якунланди. 1892 йилда эса бу бинолар қуриб битказилди.

Шундай қилиб, амирлик харитасидаги кичик бир нуқта Бухорони Россия билан боғловчи темир йўл тармоғининг гавжум манзилгоҳига айланди. Қисқа муддат ичида бу ерда турли хорижий савдо ва воситачилик фирмалари бўлимлари ташкил этилди. Россия императорининг сиёсий ваколатхонаси, суд, полиция маҳкамалари фаолият кўрсата бошлади. Кокан қишлоғининг номи рус талаффузида ўзгартирилиб, Когон деб атала бошланди.

АСТА-СЕКИН БУХОРО савдогарлари ҳам «шайтоннинг араваси»га кўникиб узоқ сафарларда туядан воз кечишди. Қадимий карвон йўллари қум остида қолиб, пўлат изларга сафарни анча осонлаштирди.

Бухоро локомотив депоси меҳнат шон-шуҳрати музейидаги ҳужжатлар, ашёлар билан танишар экансиз, жамоанинг бир асрлик тарихи кўз олдингизда намоён бўлади. Бу тарих ҳаяжонли воқеаларга бой. Айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида депо машинистлари алоҳида мардлик ва матонат кўрсатишди. Улар ғоят оғир шароитларида фронтни қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш ишига катта ҳисса қўшдилар. Ўша йилларда Харьковдан Бухорога кўчирилган ҳарбий заводда афсонавий «Катюша»лар учун ўқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Депочилар уларни бевосита фронтга етказиб беришди.

Меҳнат жамоаси турли йилларда депода ишлаган омилкор темирйўлчиларнинг номини унутмайди. Уларнинг суратлари корхона музейидаги энг кўринарли жойга осиб қўйилган. Лекин меҳнат жамоасининг юксалиши саксонинчи йилларда раҳбарликка келган ёшларнинг номи билан бевосита боғлиқдир. Улар депони чинакам камолот йўлига олиб чиқдилар.

Шофирконнинг Денов қишлоғида механизатор Тошмурод Тўқсоновнинг оиласида туғилиб вояга етган Шомурод болаликда учувчи бўлишни орзу қилар эди. Раҳматлик отаси ўсмирни Тошкентга ўқишга жўнатар экан, ўғлига осмонда парвоз қилаётган қарчиғайдан кўра кафтига қўнган чигирткани маҳкам ушлашни насиҳат қилди.

Биринчи марта ўқишга жўнаётган пайтда поездни кўрган Шомурод темирйўлчи бўлишга қатъий аҳд қилди. Тошкент темир йўл билим юртини аъло баҳоларда тугатгандан кейин у Бухоро локомотив депосига ишга йўлланма олди. Бу ерда тажрибали машинист Мурод ака Гелдиев қўлида амалий малака ҳосил қилди.

Бахтига ҳарбий хизматни ҳам темирйўлчилар полкида ўташга тўғри келди. Яна бир йил ҳарбий машинистлик билим юртида таҳсил кўргач, тепловозларни бошқарган ҳолда Шимол ўлкасини бошидан охиригача кезиб чиқди. Деярли бир йил машҳур Абакан-Тайшет темир йўли қурилишида қатнашди.

Тажрибасиз ўсмир ҳарбий хизматдан юқори малакали мутахассис сифатида депога қайтиб келди. Кўп ўтмай у Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари олий билимгоҳининг сиртқи бўлимига ўқишга кириб, етмишинчи йилларнинг бошида диплом ишини аъло баҳода ҳимоя қилди.

Диплом иши эса тепловозларни таъмирлаш мавзуига бағишланган эди. Бу мураккаб ишни ташкил қилишда оқилона йўлларни таклиф қилиши билан бухоролик йигит тошкентлик мутахассислар диққатини тортди.

*

СУРАТЛАРДА: 1. Депо машинист-инструктори Ш. Шаропов. 2. Биринчи тонфа машинист С. Жигайлов. 3. Депо иссиқхонаси ходими. У. Иброҳимов. 4. Кимё лабораторияси ишчиси Э. Тошева. 5. Депо навбатчиси И. Дилиев. 6. Ҳисоблаш гуруҳи операторлари (чапдан ўнгга) Л. Ноянова ва Л. Киреевалар.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган суратлар.

Тошкент тепловоз ремонти заводи раҳбарлари уни корхонага ишга таклиф қилишди. Орадан кўп фурсат ўтмай Шомурод мастерликдан цех бошлиғининг муовини, ниҳоят бошлиқ этиб кўтарилди.

У заводда ишлаган йиллари тепловоз сингари мураккаб машинани ичидан ўргасигача ўрганиб, ҳар қандай носозликни бир қарашда илғаб олиш қобилиятини ҳосил қилди. Доимо янгиликка интилиш хислати унга яна тинчлик бермади. Олий маълумотли мутахассис заводдаги дурустгина лавозимдан воз кечиб, метро машинисти бўлиш учун Москвага ўқишга жўнаб кетди. Бир йилдан кейин қайтиб келгач, машинистлик эмас, Тошкент метрополитени ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи вазифасига тайинланди. Метро ишга тушиши арафасида эса ҳаракатдаги состав хизмати бошлиғининг ўринбосари лавозимини қабул қилди. Натижада метрополитен каби мураккаб хўжаликни ишга созлашнинг қўлгина оғир ташвишлари Шомуроднинг зиммасига тушди.

Инсон умри узоқ бир сафар. Ҳар ким бу сафарнинг сўнгги манзилига етгунга қадар ҳаётда мана шундай хайрли ишлари билан из қолдиришни истайди. Шомурод Тошев ҳам мана шунинг илинжида.

Дарвоқе, Шомурод ака янги темирйўлчилар сулоласига асос солди. Айни маҳалда унинг турмуш ўртоғи Э. Тошева депо кимё лабораторияси ходими, тўнғич ўғли Александр эса машинист ёрдамчиси. Ҳозир еттинчи синфда таҳсил кўраётган Алишер ҳам ота изидан борса ажаб эмас...

Шомурод ака қадрдон меҳнат жамоасига раҳбарликни қабул қилганида депода ги 70 та локомотивдан 30 таси ишга яроқсиз ҳолга келган, лоқайдлик ва бўшашувчанлик чуқур илдиз отган эди. Бу турғунлик йилларининг аянчли якуни эди, албатта.

Янги раҳбар ишни қаттиққўл устози Исмоил ака сингари тартиб-интизомни қарор топтиришдан бошлади. Кейин қўлига қоғоз қаламни олиб иқтисодий фаолиятни таҳлил этишга киришди. Якунлар ҳафсалани пир қилди. Депо фақат иш ҳақи ҳисобига йилига ўрта ҳисобда ярим миллион сўм зарар кўрмоқда эди.

Хўжаликни инқироздан қутқаришнинг битта йўли бор. У ҳам бўлса тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашдир. Бу соҳада эса на Ўрта Осиё темир йўли, на бошқа қардош жумҳуриятлар темир йўлларида тажриба тўпланган. Тажрибани шу ерда коллектив тарзда ўзлаштиришга тўғри келди. Р. Болтаев, Р. Холмуродов, К. Эргашаев, Г. Шолохов, Л. Арустамян, И. Захаров, В. Стативкина сингари ташаббускор мутахассислар депо бошлиғи атрофида уюшиб, жамоанинг бутун ишлаб чиқариш-техника фаолиятини чуқур таҳлил этишди. Депони тўла хўжалик ҳисобига кўчириш низоми ишлаб чиқилди. Тепловозлардан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, ёнилғи-мойлаш материалларини сарфлаш ва бошқа кўпдан-кўп жараёнлар бўйича тегишли стандартлар жорий этилди. Шу тариқа деподаги ҳар бир машинист, ремонтчи ишчи, мутахассиснинг сафдаги ўрни, ишга қўшадиган ҳиссаси аниқланди, демак, ишда чинакам моддий манфаатдорлик амалга ошди.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР тўғри йўл танланганини кўрсатди. Агар янгичасига ишлашга киришилган 1988 йилда барча қарзлардан қутулиб, 1 миллион 200 минг сўм соф фойда кўрилган бўлса, кейинги йилда бу кўрсаткич 2 миллион 800 минг сўмни ташкил қилди. Ўтган йилни эса 4 миллион сўмлик иқтисодий самара билан якунлашди.

Қаерда даромад кўпайса, шу ерда турмуш маъмур бўлади. Айни маҳалда жамоада машинистларнинг ўртача ойлик маоши уч баравар кўпайган, улар каттагина қўшимча имтиёзлардан фойдаланишмоқда. Корхона юбилейи арафасида ажойиб маданият саройи, стадион, бошқарув идораси, ошхона ва бошқа маданий-маиший бинолар қад кўтарди. Ишлаб чиқаришга компьютерлар, замонавий диагностика асбоб-ускуналари кириб келди.

Депо ҳузурида ташкил этилган ёрдамчи чорвачилик хўжалиги меҳнат жамоаси аъзолари, фахрийларни арзон гўшт билан таъмин этяпти. Лимонарийда уларнинг дастурхонлари учун сервитамин маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Бошқа жойларда қандай билмадик, лекин бу депода тўла хўжалик ҳисобидан бозор иқтисодиёти изларига кўчиш анча осонроқ ўтмоқда. Депо хўжалиги ёнилғи-мойлаш материалларидан ташқари, барча нарсалар билан эркин нархлар шароитида ўз-ўзини таъмин этяпти. Шу мақсадда турли биржаларда жамоа бешта брокерлик ўрнига эга. Бозор иқтисодиёти фаолиятнинг янги соҳалари ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратишни тақозо этяпти. Чунки кейинги йилларда меҳнатни оқилона ташкил қилиш туфайли зарурат қолмаган ходимларни иш билан таъминламоқ лозим. Шу мақсадда пишиқ ғишт, дераза ойнаси, кийим-кечак ва бошқа кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича депо ҳузурида кичик корхоналар ташкил этилаяпти.

Кейинги йилларда когонлик депочилар эришган муваффақиятларга қизиқиш катта. Ўтган йилнинг кузида Ўрта Осиё темир йўли ҳамдўстлик давлатлари локомотив хўжаликлари раҳбарлари, бош мутахассислари бу ерда тўпланган тажрибани ўрганиб чиқишди. Айни маҳалда Олмаота, Омск илмий-тадқиқот институтларининг мутахассилари, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари олийгоҳи олимлари тўпланган тажрибани чуқур ўрганиб, умумлаштириш тараддудида. Шу дастур асосида иш юритишга киришаётган меҳнат жамоалари ҳам оз эмас.

Бухоро локомотив депоси машинистлари ҳар куни тепловозларни йўлга пухта шайлаб, халқ хўжалик юкларини манзилларга вақтида етказмоқдалар. Ҳозирги авлод вакиллари фахрийлар сафига ўтса, уларнинг ўрнини ёшлар босишади. Сафарнинг охири бўлмайди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ҳамкасбларимиз

ЧЎҚҚИ

Умр оқар дарё...

Умр босиб ўтилган йиллар сарҳисоби.

Умр меҳнат, изланиш улғайиш, қадр-қиммат топиш имкони.

Ҳа, ҳаёт мураккаб, унинг чорраҳалари сени ҳар томонга етаклаши мумкин, лекин сен тўғри, жуда ҳам тўғри йўлдан одимлай олсангина, у албатта сени истиқбол сари, қадр-қимматинг сари, меҳнатинг самараси сари баланд чўққига олиб чиққисидур. Мана шундай чўққилардан бирида биз ҳамкасблар устозимиз — бағри кенг, қалби дарё, меҳр-оқибатли инсон — Собит Тоировни кўриб турибмиз. Қалами ўткир журналист, етук таржимон, тилмочлик санъатининг забардаст фидойиси у.

Қалам аҳлига маълумдирки, таржимонлик ўта нозик, жуда катта сўз бойлигига эга бўлмоқликни талаб этадиган серқирра, сермашаққат касбдир. Унинг чағир йўлларини босиб ўтмоқлик учун чидам, билим ва масъулият лозимдирки, ҳар қандай инсонга ҳам бу насиб этавермайди.

Собит ака ўз меҳнат фаолиятлари давомида каттакатта сиёсий материаллардан тортиб, республика хабарлари-ю, бадиий асарларгача моҳирлик, тезкорлик билан таржима қила олдиларки, худди бу нарсалар асли ўзбек тилида битилган, деб ўйлайди киши. Устоз таржима қилган барча матнларини бир ерга жамул-жам этмоқликнинг иложи бўлса, у улкан бир тоғ бўлгусидирки, унинг чўққисида ажойиб инсон, моҳир таржимон, ходимларига отадек, акадек меҳрибон бир зотни кўрмоқлик мумкиндир.

Таржимонлик касбини «Аллоҳ юқтирган», десак хато бўлмас, чунки қанчаданқанча иқтидорли таржимонларнинг таржима матни билан, устозимиз таржима қилган матнни солиштирганда ундаги жилвани, жилони, теран фикрни, сўзлар ўз ўрнида дур қаби терилганлигини кўрган киши беихтиёр, «бу Собит аканинг таржимаси» дейди. Ҳа, Собит акани иқтидорли таржимон сифатида ҳар қанча тарифласак арзийди.

Неча асрлар илгари Самарқанд кошинларини яратган усталар ўз иш сирларини фарзандларидан ташқари бирор-бир шогирдга ўргатмаган эканлар. Минг афсуски, шунинг оқибатида биз ҳозиргача ҳам бу санъат сирларидан тўла воқиф эмасмиз.

Таржима санъати ҳам мана шундай сирли, ўзига хос жилони талаб этадики, уни шогирдлар қалбига мисқоллаб сингдириб бориш керак бўлади. Собит ака бу борада ҳам ўта заҳматкаш устоздирларки, у кишининг тарбиясини олган шогирдлари — Саъдиев Турсунали ака, Эгамбердиева Иқбол опа ҳозирги кунда мўътабар ташкилотларда, кўпчилиги эса Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида муносиб шогирд сифатида фаолият кўрсатишаяпти. Бу бағри кенглик, меҳри дарёлик эмасми?!

Собит ака ўзига ҳам, бошқаларга ҳам, талабчан, изланувчи, ўргатувчи ва ўрганувчи, меҳр-оқибатли инсон. Бас, шундай экан, йиллар севинчи-ю, заҳматини ўз елкасида кўтариб, мўътабар ёшларга етиб келган инсонларни қадрламоқ, уларга иззат-ҳурмат кўрсатмоқ жамоат ва ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Қарийб 30 йилдан бери олий даргоҳ — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Таржима бош редакциясида редактор, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўринбосари ва ҳозирги кунда бош муҳаррир вазифасини сидқидилдан адо этаётган Собит аканинг самаралари ва баракали меҳнатлари муносиб тақдирланган. Олий Кенгаш Ҳайъатининг Фахрий ёрлиғи, «Шавкатли меҳнати учун», медали, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, «Меҳнат фахрийси» медали шулар жумласидандир.

Баҳор яшариш палласи... Мана шу ажойиб паллада Собит акага биз ҳамкасблар ҳар йили баҳорни бардам, бақувват, ижодий куч-ғайратга тўлган ҳолда кутиб олишларини тилаймиз.

Ақида АЗИЗОВА.

• Диққат: янги рукн—«Шахсий мулоҳаза»

РЎЗҒОРГА МАДАД

Ҳозир иқтисодий қийинчилик чўққига чиққан пайт. Республика ҳукумати раҳбарларининг уч-тўрт ой олдин берган ваъдасига биноан шу йил куз фаслида аҳвол ўнглана бошлайди. Бироқ бу тўкин-сочин кунларга дарҳол етишилади, деган гап эмас. Дориламон замонларга ҳали узоқ. Осмонга чиқиб кетган нарх-наво яна қайта ўрнига келиши учун орадан ҳали кўп қовун пишиқлар ўтиши тайин. Шундай экан, бир тишлам гўшт фалон сўм бўлиб қолган ҳозирги иликузилди ой-кунлардан қандай қилиб омон-эсон ўтиб олиш мумкин? Шундай саволлар билан таҳририятга тез-тез мурожаат қилаётган муштарийларга бир оғиз гап билан жавоб қайтаришни, тўғрироғи уларнинг саволларига савол билан жавоб беришни лозим кўрмоқчимиз.

Бу замин кейинги етмиш йил ичида бошидан не-не оғир кунларни ўтказмади. Ақалли уруш йилларидаги ва ундан кейинги пайтларни, жуда бўлмаганда чорвачиликка қирон келган, қаҳатчилик авжига чиққан олтмишинчи йилларни эсланг. Хўш халқ ўша кунлардан қандай қилиб зарар кўрмай чиқиб олди?

Эсингиздами, бир даврлар гўшт, тухум танқислигини енгиш учун товуқчилик, қўёнчиликка зўр берилган, агар янглишмасам ҳар бир хонадон жуда бўлмаганда тўрттагина товуқ боқиб, тухуми билан тирикчилик қилганди. Ҳар уч-тўрт хонадоннинг бирида қўён боқиларди. Товуғу қўён етти ҳазинанинг бири, деб ном ҳам чиқарганди. Бу соҳадан ҳатто мактабларнинг ўқувчилари ҳам бебаҳра қолишмаганди. Деярли ҳар бир мактабнинг ўз қўёнчилик фермаси бўларди. Қўёнбоқар ўқувчиларнинг тажрибаси ёйилиб, улар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилади. Мактаб ошхонасига гўштни асосан шу ферма етказиб берар, уларнинг терисидан келган пул эса ўқувчиларнинг кам-кўстига ярарди. Товуқ, қўён боққан хонадонларнинг дастурхонидан сира ҳам гўшт аримасди.

Бироқ вақт ўтиши билан мана шундай хайрли ишлар унутиб юборилди. Ҳаммамиз ҳам бозорга қараб қолдик. Топсак еймиз, топмасак — қозонимиз тўнкариғлиқ. Ҳатто ойлаб бир парча гўшт таъмини тотмаган оилалар ҳам бор. Нарх-наво ошган кечаги кундан эса камбағал, нафақахўр, камдармадли хонадонларга яна ҳам қийин бўлиб қолди. Хўш, уларнинг тирикчилиги энди қандай кечади? Қуюқ овқат юзини кўрмай қолган, ҳар куни гўштсиз шўрва қайнаётган қозонлар энди бутунлай тўнтариб қўйиладими? Гап шу ерга келганида мен яна ўша олдинги оғир даврларда халқ орасида ёйилиб кетган хайрли ишларни қайта тиклашни таклиф қилардим. Ҳар бир хонадонда жуда бўлмаганда ўнтагина жўжа асралса. У кун ўтиши билан ўсиб, товуққа айланиб, тухуми билан тирикчилик қилиш мумкин бўладику. Бир жуфт қўён боқилса, тез кўпаядиган бу жонивор орадан уч-тўрт ой ўтмай гўшти жаз, териси нақд пулга айланадику. Шу ерда «доннинг бир килоси беш сўмга чиқиб кетди, аралаш ем анқонинг уруғига айланиб қолди, бу жониворларни нима билан боқамиз», деб савол берувчилар ҳам топилади, албатта. Жавобимиз шуки, қазноғингизга бир кўз ташланг, қотган-қутган нонлар анчагина. Агар кўп қаватли уйда яшаётган бўлсангиз уй олдига қўйилган махсус идишни бориб кўринг — чиқинди нон тўлиб турибди. Бунинг устига ҳозир баҳор, ўт-ўлан ўсган, ҳадемай карам, сабзи чиқади, уларнинг кўки бозорларда тоғ-тоғ бўлиб ётади. Эринмаган одам ўшаларни олиб келиб, бир жуфт қўённи боқиши мумкинку. Ҳамма гап эринчоқликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, уятчанликни, тортинишни бас қилиб, бу ишга астойдил киришишда.

Агар мактабларда қўёнчилик фермаси ташкил этилса, унга ўн-ўн беш ўқувчи биркитиб қўйилса келгусида шу мактабнинг ошхонасида тайёрланадиган овқат ҳам арзонга тушмайдими? Бунинг устига қўёнчилик фермаси ўқишдан сўнг нима қилишни билмай юрган болаларнинг меҳнат тарбиясига ҳам зўр таъсир ўтказган бўларди.

Мен кичкинагина бу мақоламда оғир кунларимизда кунимизга яраши мумкин бўлган халқимизнинг эски, унутиб юборилган айрим удумларини кишиларнинг эсига солдим, холос. Бундай удумлар эса жуда кўп. Истардикки, ҳурматли муштарийларимиз ҳам турмушимизни осонлаштиришга тортки бўладиган таклифларни ўртага ташласалар. Зора улар амалга ошиб, ҳозирги танқислик даврида рўзғор тебратишни бироз бўлсада осонлаштирса.

Р. ТУРСУНОВ.

РИЗҚИМИЗ БУТУН БЎЛАДИ

● Кузда Яккабоғ районн хўжаликларида дон етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида пахта етиштириладиган майдонлар 3 минг гектарга қисқартирилиб, ғалла экилганди. Айни пайтда майсалар баравж ривожланмоқда. Бу — улкан дон хирмонидан даполат.

Ўтган йили 7 минг гектар майдонда ғалла етиштирилган бўлса, бу йил жами 21 минг гектар унумдор майдонда деҳқончилик қилиняпти. Суғориладиган ва лалми ерлардаги арпа-буғдой майсалари текис ривожланаётир. Барча майдонлардаги экин озиқлантирилмоқда. Гектарига юз килограммдан минерал ўғит солиняпти. Бу ишлар ҳар йилгидек тайёра билан эмас, ер техникаси, қўл кучи билан амалга оширилмоқда. Натижада сарф-харажат кам.

Майсалар парвариши айниқса, райондаги Амир Темур номли, «Қизил Ўзбекистон», Абдураззоқ Ҳолиқов номли жамоа хўжаликларида, «Хисор» давлат хўжалигида намунали ташкил этилмоқда. Мазкур хўжаликларда ҳар гектар суғориладиган майдондан 40 центнердан арпа-буғдой етиштириш кўзда тутилмоқда.

— Бу йил деҳқонларимиз Яккабоғ тарихида биринчи марта қирқ минг тонна арпа етиштиришни мўлжаллаяптилар, — дейди район ҳокими Темир Шоназаров. — Мақсадимиз мўл-кўл ҳосил етиштириб, район аҳолисини олтмиш фоиз ун билан таъминлашдир.

Жамоа ва давлат хўжаликлари аҳоли жон бошига юз килограммдан дон тарқатадилар. Шу кунларда тегирмон ва мойжувозлар қайта таъмирланяпти. Мавжуд 16 та тегирмонни йил бўйича хом ашё билан таъминлаб турамиз. Иқтисодий тақчиллик шароитидан келиб чиқиб, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжини муттасил қондирмоқчимиз. Мақсадимиз — дастурхонни нонга тўкин, халқимиз ризқини бутун қилиш.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Абу Райҳон Беруний

ТАРВИҲАЛАР

(«ЖАВОҲИР КИТОБИ»ДАН)

4.

Бани Раъна[1]* қабиласидан бўлмиш Аъшо[2]* бундай деган:

«Гўё қалбим кўзимнинг кўриши ва қулоғимнинг эшитиши билан билувнинг олдида тургандек».

Бу билан Аъшо ўша икала сезги аъзолари орқали ҳосил бўлган билимни айтмоқчи бўлади. Шоир буни мия билан боғламай, балки юрак билан боғлаган. Чунки бу кўпчилик ўртасидаги машҳур қарашдир.

Абу Таммом[3]* дейди:

Ҳакимларнинг қавлича шундай:

Эрнинг тили — дил ходимларидан.

(Яъни мард кишиларнинг тили унинг дилидагини ҳам ифодалаш учун хизмат қилади.

Жамил ибн Маъмар ал-Узарий[4] дейди:

Шодлик учун қай манзилда бўлсак,
Қўрқиб турамиз доимо кўзу қулоқдан.

Чунки бу икки аъзо кузатувчи саналади. Қулоқ сезгиси тешиги-роғаларни кузатиб қулоқ солади ва то ундан яширин нарсани билмагунча тинмайди.

Неъматнинг қадри у йўқолгандан кейингина

1. Арабистон ярим оролининг шимолида яшаган йирик ва машҳур қабила.
2. Маймун ибн қайс ал-Аъшо—исломгача яшаган араб шоири, 629 йили вафот этган.
3. Абу Таммом (796-846) машҳур араб шоири.
4. Араб шоирларидан, 701 йили вафот этган.

5.

билинади. Шунинг учун бу хосса (яъни эшитиш)нинг фазилати ҳам кар-соқов одамда бу нарсанинг йўқлиги билан (маҳрумлик қаттиқ) билинади ва борди-ю, соқовни кўр одам билан қиёс қиладиган бўлсак, бу кўзнинг йўқлиги билан билинади.

Қолган ҳиссаларга келганда, улар нафс (яъни руҳ)га нисбатан баданга мос келадилар. Гарчи инсон у сезгиларга ўз тафаккури ва хулосаларини ишлатиб, улар билан сезиладиган нарсаларда энг ниҳоятга етса ҳам, у сезгилар нафсдан кўра баданга, инсонийликдан кўра ҳайвонийликка мувофиқ ва мосроқдир.

* * *

Эр киши бирла ўлур ундаги эҳтиёж ҳам,
То у барҳаёт экан, эҳтиёж этгай давом.

Эҳтиёжларнинг тури ҳам, сони ҳам кўп, (баъзан эҳтиёжларни) фақат бирмунча кишигина бажо келтира олади. Бунинг учун одамлар шаҳарларда йиғилган бўлишлари керак.

Инсон макон тутиш ва тўдаланиш жиҳатидан турли-туман касбли қилиб яратилган. Халқдаги орзу ва мақсадларнинг турли-туманлигига барча одамлар бир нарсани маъқул топиб, мана бу энг яхши нарса, деб ўшанга ўзаро келишиб қўймасликлари сабаб бўлган. Ўшандай қилинган тақдирда ўша танланган (ҳунардан) бошқа ҳамма пастроқ (ҳунарлар) йўқ бўлиб кетган бўларди ва у (ҳунарлар) ўртасидаги тенглик ҳаммасини ҳалокатга олиб

6.

келган бўларди.

Мақсад ва иродалар турлича бўлган, ҳунар ва синоатлар ҳам ранг-баранг бўлган. Шунда баъзи кишилар бошқа бирини ишлата бошлади, ишловчи — коранда доимо ишлатувчига адолат юзасидан бирор нарса эвазига ишлаб берадиган бўлди.

Бировни зўрлик билан ва ёллаб ишлатиш доимий бўлмайди, тўғри ҳам келавермайди. Йўқса, талабларнинг ошиши ва уларнинг ҳар хил вақтда пайдо бўлиши, шунингдек, баъзи бировнинг бошқада бўлган нарсага муҳтожлиги — булар ҳаммаси одамларни ўша нарсаларнинг умумий қийматини топишга, айрим ҳолларда унинг ўрнига ўтадиган бадалини топишга олиб келган. Бунинг учун одамлар кўзига мароқ берадиган, кўриниши гўзал, ўзи оз учрайдигану, лекин узоқ вақт турадиган нарсаларни танладилар.

Сўнгра инсон ўша қийматли нарсанинг бир қанчасини битта қилиб, катталаштиришга ва бўлакларга ажратиб парчалаб кичрайтиришга, нақш ва тасвирлар билан муҳрлашга интилди, ўз асли ва соддасида барқарорлиги билан олтин ва кумуш турли сийрат ва сувратларда намоён бўлди.

Ростгўй билан рост қаршисида, албатта ёлғончи билан ёлғон бор. Бу ёлғончи ўз ёлғонини ўша рост ўрнида ривожлантиришга уринади. Бу ва бунга ўхшаш нарсалар мўътабар риёсат эгаларини сиёсат шартларига риоя қилишга ундайди. Улар халқ ўртасида халифалик номини ва «ерда унинг сояси» бўлиш унвонига лаёқат ҳосил қилиш учун ундайди. Булар эса кучлилар ва кучсизлар орасида, улуғ ва кичиклар ўртасида адолат, тенглик ўрнатиш билан барпо бўлади.

* * *

Ҳаёт қийинчиликлари, маишат машаққатлари олтин ва кумуш воситаси билан осон қилингач, кўнгиллар улар муҳаббатига ўралаб, қалблар уларга мойиллик пайдо қилади. Бу худди олтин ва кумушнинг бир қўлдан иккинчи қўлга ўтганига ўхшаб кетади. Шу йўсинда одамлар уларни йиғишга ва қўпайтиришга ортиқча хирс қўя бошлади. Шу билан олтин ва кумушнинг одамлар шарафи ва баҳосида тутган ўринлари табиий ва қонуний сувратда эмас, балки шартли ва келишиш асосида юксалди.

(Давоми бор).

ХОРАЗМ САНЪАТИ ФИДОЙИЛАРИ

● Хоразм театр санъатининг икки фидойиси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Камоловнинг 80, унинг умр йўлдоши, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Лолахон Абдуллаеванинг 75 йиллик умр тўйлари тантанали нишонланди.

Кечада театр директори, шоир ва драматург Комил Аваз қўшалоқ тўй соҳибларининг сермазмун ҳаёт йўли ва қайноқ ижодий фаолияти ҳақида гапириб берди.

Оилавий юбилей соҳиблари бундай тантанали олқиш ва шарафга, катта эъзозу эҳтиромга муносиб, вилоят театр санъатининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган чинакам истеъдод эгаларидан ҳисобланади. Улар ўз умрларининг 50 йилдан кўпроғини саҳнага бахшида этишган.

Лолахон Абдуллаева спектакллар мазмуни ва ғоясига мос манзара-декорациялар яратиб, Хоразмнинг бетакрор бадиий безаш санъатини зўр маҳорат билан намоён эта олган катта лирик қалб ва талант соҳибасидир. Рассом мўйқаламига мансуб, вилоят хотин-қизлари ҳаёти ва уларнинг нурли сиймоларини яратишга бағишланган ўнлаб картиналар Урганч ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган кўпгина кўргазмаларда намойиш қилинган. Ана шу туркум асарлардан намуналар Тошкентдаги жумҳурият санъат музейи ҳамда Урганчдаги суратлар галереясида кўргазмага қўйилган.

Салоҳиддин Камолов эса, театрда намойиш этилган 150 га яқин спектаклда 200 дан ортиқ образ яратган, ҳар бир ролни ўзига хос истеъдод ва маҳорат билан ижро этган саҳна устасидир. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ғазал фожеаси», «Маърифат қурбонлари», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Маҳтумқули» сингари кўпгина драмаларда яратган образлари актёр ижодининг сара гулдасталаридан бўлиб, санъат шинавандалари қалбига илҳом бағишлаб туриши шубҳасиздир.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

СОВРИНДОРЛИК БАҲСИ

● ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон кубоги учун 1/16 финал учрашувлари бошланди.

Соврин учун курашда республиканинг барча табақадаги футбол жамоалари иштирок этишмоқда. Лекин пахтакорчилар «Трактор» майдонида ўйнаб (1:2), имкониятни бой беришди. Фарғоналик нефтчилар эса «Пахтачи» (Узун) майдонида ўйнаб 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Шунингдек, «Чирчиқ», «Бахт», «Навбаҳор», «Нурафшон», «Локомотив», «Орол», «Диёнат» футбол жамоалари ҳам дастлабки учрашувда муваффақият қозондилар. Кеча соврин учун яна бир неча учрашув ўтказилди.

МУНОСИБ ҲИССА

● ТАИЛАНДДА бокс бўйича халқаро турнир ўтказилди.

«Қирол кубоги» учун ўтказилган бу мусобақада МДҲ терма жамоаси 7 та олтин, 4 та кумуш, 2 та бронза медалига эга бўлди. Бу ғалабага таниқли чармқўлқоп устаси, тошкентлик Артур Григорьян ҳам муносиб ҳисса қўшди. 60 килограмм вазнли боксчимиз ғолиблик супасига кўтарилди. Яқинда у МДҲ —АҚШ боксчилари халқаро ўртоқлик учрашувида ҳам муҳлисларни қувонтирган эди.

МУКОФОТЛИ ЎРИН

● Барселона шаҳрида курашчи аёллар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Курашнинг дзюдо тури бўйича беллашувлар хотин-қизлар ўртасида ҳам оммавийлашиб бормоқда. Бу борада тошкентлик Нелли Қиёмова маҳорат кўрсатиб келмоқда. Йирик мусобақаларда бир неча бор соврин-ли ўринларни эгаллаган бу курашчимиз яқинда яна ғолиблик супасига кўтарилди. У Барселонада ўтказилган халқаро мусобақада бронза медалини қўлга киритди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

МАБЛАҒ КЕРАКМИ?

ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЙЎҚ!

«Ўзбек Савдо уйи»

фирмаси

СИЗЛАРНИ
1000 СУМЛИК 10.000 СУМЛИК АҚЦИЯЛАР БИЛАН
50 000 СУМЛИК 100.000 СУМЛИК АҚЦИЯЛАР БИЛАН
ТАЪМИНЛАЙДИ

АКЦИЯЛАР

СОҲИБИНИНГ НОМИ ҚЎРСАТИЛГАН, ИМТИЁЗЛИ НОМИНАЛ

1000 сўмлик

Ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН.

Акция соҳибларига молиявий йил якунларига кўра 20 фоизли курс бўйича қўшимча даромад кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

«Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фақат фирмада рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Акциялар харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиби акцияларнинг тўла қийматини ва 20 фоизли курс бўйича қўшимча қийматини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

СОҲИБИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛГАН, ОДДИЙ НОМИНАЛ

50000 сўмлик
100000 сўмлик

Ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН

Молиявий йил якунларига кўра акция эгаларига фойданинг бир қисмини акциядан келган даромад сифатида олиш ҳуқуқи кафолатланади.

100 000 сўмлик номинал қийматга эга битта акция битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

50 000 сўмлик номинал қийматга эса икки акциядан иборат пакет битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

Фақатгина «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фирмада рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиби акцияларнинг тўла қийматини ҳамда акциядан келган даромадни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ҚЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН, БИРОҚ ЭГАСИНИНГ НОМИ ҚЎРСАТИЛМАГАН, ОДДИЙ НОМИНАЛ

100 000 сўмлик

ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН

молиявий йил якунларига кўра акция эгаларига акциядан тушган фойдадан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ва турли хил йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

«Ўзбек савдо уйи» фирмасининг рухсатисиз амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Харид қилинганидан сўнг бир йил ўтгач акцияларнинг соҳиби акция қиймати ҳамда ундан тушган фойдани олиш ҳуқуқига эга бўлади.

АКЦИЯЛАРГА ЕЗИЛИШ

Опцион шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

Акцияларнинг 1 эмиссиясининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг «Ўзбек савдо уйи» томонидан эълон қилинган муддатларда ўз вақтида қиймати қайтарилиб олинмаган бўлса акциялар ўз-ўзидан йилига 20 фоизли даромад тўланадиган имтиёзли облигациялар қаторига ўтади.

Акцияларнинг қийматини қайтаришда акциялар соҳибининг хоҳиши ва «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг таклифига кўра пуллар сўм ҳисобида ёки товар маҳсулотлари билан тўланиши мумкин.

АКЦИЯЛАРНИ СОТИШ

Ўзбекистон саноат қурилиш банкининг бўлимлари, «Союзпечать» идоралари ҳамда «Ўзбек Савдо уйи» тарқатувчилари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси, 700000. Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 35-37-90, 34-85-09, 34-64-79, 34-96-31. факс: 34-64-50
Телетайп: 116 384
Телекс: 116108 РТВ

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992 йил учун

қуйидаги ихтисослар бўйича кундузги ва сиртқи аспирантурага, клиник ординатурага ҳамда стажёр-тадқиқотчиликка

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА:
болалар юқумли касалликлари (1), болалар касалликлари (2), суд тиббиёти (1), сил касалликлари (1), фармакология (1).

СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА:
болалар касалликлари (1), суд тиббиёти (1), кўз касалликлари (1), анестезиология ва реаниматология (1), сил касалликлари (1).

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА:
жарроҳлик (1), ички касалликлар (2), акушерлик ва гинекология (1), рентгенология (1), болалар касалликлари (4), анестезиология ва реаниматология (1), болалар жарроҳлиги (2), болалар урологияси (1), болалар юқумли касалликлари (1), юқумли касалликлар (1), болалар тери-таносил касалликлари (1), неонатология (2), асаб жарроҳлиги (1), болалар асаб касалликлари (1), руҳий касалликлар (1), соғлиқни сақлашни ташкил қилиш (1).

СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИЛИККА:
анатомия (1), микробиология (1), патологик анатомия (1), гистология (1), патологик физиология (1), биологик кимё (1), эпидемиология (1), гигиена (1), суд тиббиёти (1).

Клиник ординатурага шартнома асосида қабул қилинади. Клиник фанлар бўйича аспирантурага 35 ёшдан ошмаган, ўз ихтисоси бўйича икки йил ишлаган, клиник ординатурага ўз ихтисоси бўйича уч йил ишлаган ҳакимлар ҳужжат топшириш ҳуқуқига эга.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 703000, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй, докторантура ва аспирантура бўлими.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисод ва уни ташкил қилиш, ер тузишни лойиҳалаштириш, тракторлар ва автомобиллар, гидравлика ва гидромашиналар, культурология;

профессорлар: иқтисодий назария асослари, машина-трактор паркидан фойдаланиш, чорвачилик фермаларини механизациялаштириш.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ўзбек ва рус тилларини биладиган шахслар имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзов кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 33-14-39.

1992 ЙИЛ 22—25 АПРЕЛДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

«ЁШЛИК» СПОРТКОМПЛЕКСИ БИНОСИДА
халқ истеъмоли молларининг улгуржи савдоси ва уларни харид қилиш бўйича

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмаркада иштирок этиш учун барча республикалардан улгуржи, чакана савдо ташкилотлари ва саноат корхоналарининг вакиллари таклиф этиладилар.

Ярмарка қатнашчилари 1992 йил 20—21 апрелда келишлари зарур.

ЯРМАРКАДА ҚАТНАШИШ ПУЛЛИ.

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги.
Ўзбекистон Савдо воситачилиги ташкилоти «Ўзбекбирлашув».

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАБОБАТИ УЮШМАСИНИНГ АЪЗОСИ ҚУҚОНЛИК ҒУФРОНХОН ЭШОН ОТА БАҲОДИРОВ

ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Асаб ва руҳий касалликлар, бош оғриғи, қулоқ эшитмаслик, кўздаги хасталиклар, рак, ўсма безлар, қизилўнгач, ошқозон, юрак, жигар, буйрак, ўт, қон босим, нафас қисиши, қандли диабет, бел, оёқ ва бўғинлардаги оғриқлар, қўл-оёғи ишламайдиганлар, уйқусизлик, жинсий заифлик, тагини ҳўллаб қўядиганлар, аёллардаги фарзандсизликка ўхшаш касалликлар билан хасталанган беморлар бионур таъсирида дам солингач дардларидан фориғ бўлишлари мумкин.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Қўқон шаҳар, темирйўл вокзали олдидаги Андреев номли клуб.

СЕАНСЛАР СОАТ 11.00 ДАН 12.00 ГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

ДАМ ОЛИШ КУНИ — ЧОРШАНБА.

УЙ МАНЗИЛИ: Титов номли кинотеатр олдидаги С. Перовский кўчаси, 10-уй.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология ва паразитология илмгоҳи жамоаси илмгоҳ энтомология лабораториясининг катта илмий ходими, биология фанлари номзоди

Шуҳрат Алимович ШАРАФУТДИНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт Тарбияшунослик таҳририятининг муҳаррири Ф. Икромовага турмуш ўртоғи

Носир ИКРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода —3-96-12, Гулистонда — 2-63-18, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 74.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.50. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.